

обстоятельствами. Некоторые дети проживали в отдаленных от школ местах. Несмотря на трудности военного времени, отсутствие или нехватку учителей и учебников на польском языке в школах было организовано обучение детей.

Современные методы и использование геоинформационных систем (GIS) могут решить такие задачи как: определить местоположения польских школ, детских домов и других образовательных учреждений, функционировавших в этот период; проанализировать геопространственные связи между расселением, школами и инфраструктурой (транспорт, города, районы) и условиями функционирования школ (например, отдалённость, инфраструктура); проиллюстрировать охват польского образования (численность, размещение) на карте с временной компонентой (динамика по годам); на основании ГИС-анализа сделать выводы о том, какие пространственные факторы способствовали или препятствовали обучению и школьной жизни польских детей и подростков в Узбекистане.

### **Список использованной литературы**

1. Пиримкулов Ш.Д. «Польские школы и детские учреждения в СССР (1941-1946)» Ташкент, Изд. «Фан» 1990. 158-с.
2. Парсаданова В.С. «Депортация населения из Западной Украины и Западной Белоруссии в 1939-1941 гг. » // Новая и новейшая история, № 2 33-39-с.
3. Stanisław Kot. «Rozmowy z Kremlem». Jutro Polski, 1959. 336-s.
4. НА Уз Ф. 2306. оп.70. ед.х.2766. л.10.
5. НА Уз Ф. 304. оп.1. ед.х.21. л.2.
6. Госархив Самаркандской области Ф.1811. оп.1. д.57. л.25
7. НА Уз Ф. 304. оп.1. ед.х.215. л.62.
8. НА Уз Ф. 304. оп.1. ед.х.95. л.84.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИВ ИШИНИ РИВОЖЛАНИШИ**

**Кадилова Нигора Якуббековна**

АДПИ тарих кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тизимли равишда таҳлил қилинган. Тадқиқотда архив соҳасининг ҳуқуқий асослари, ҳамда мустақиллик йилларида архивларнинг ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши архив

ишларини янги юқори босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этилиши баён қилинган.

Шунингдек, мақолада архив ҳужжатларини бутун сақлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги ислохотларнинг аҳамияти очиб берилди.

**Калит сўзлар:** Архив иши, Ўзбекистон, миллий архив фонди, рақамлаштириш, тарихий мерос, давлат архиви, ислохотлар, электрон архив, ҳужжатларни сақлаш.

**Abstract:** This article systematically analyzes the formation and developmental stages of archival affairs in Uzbekistan. The research describes the legal foundations of the archival sector and the significance of government decrees adopted during the years of independence in elevating archival work to a new, higher level. Furthermore, the article highlights the importance of reforms regarding the preservation of archival documents and their effective utilization.

**Keywords:** Archival affairs, Uzbekistan, national archival fund, digitalization, historical heritage, state archive, reforms, electronic archive, document preservation.

Мустақиллик шароитида архив ташкилотларига, архив ҳужжатларига булган эътибор кескин узгарди.

Архив манбалари ҳужжатлар, қўлёзмалар, расмий ёрлиқлар, ҳисоботлар, ёзма асарлар ва моддий ёдгорликлар тарих фанининг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, ўтмиш, жамиятларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётини қайта қуришга реконструкция қилишдан иборат. Ўзбекистон шароитида архив ишида содир булган асосий ўзгаришлардан бири илк бор 1999 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан Архивлар тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганлиги.[1]

Архив манбалари ҳалқнинг ўтмиши, ҳалқнинг мулкидир. Республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятлари архивларида сақланиб келинаётган ноёб ҳужжатлар ҳалқимизнинг бой маданий маънавий мероси. Шу боис Архив ҳужжатлари умрбод сақланади, улар ягона нусхада бўлиб бошқа ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Бу ҳужжатлар фақат архивларда кўз қорачиғидек асраб авайлаб сақланади.

Ўзбекистон Республикаси “Архивлар тўғрисидаги” қонунда архив тушунчасига “ Архив ҳужжатлари мажмуи, шунингдек архив муассасаси ёки корхона, муассаса ва ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан фойдаланувчи таркибий бўлинмаси”, деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Марказий давлат архиви нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки Марказий Осиёдаги энг катта , энг бой архив ҳисобланади. Бу ерда юртимизни энг қадимги ҳужжатларидан вақфномалар сақланган бўлиб, асосан архив ҳужжатлари 13 асрдан ҳозирги кунгача бўлган йилларни ўз ичига олади. Бу архивда миллиондан ошиқ йиғма жилдларда қоғоз,кино, суръат ва овозли, идоравий, шахсий таркиб архив ҳужжатлари мавжуд.

Бу ноёб архив ҳужжатлари Ҳукуматимизнинг “ Архивлар тўғрисидаги” қонунни, “Архив иши бўйича меёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги” ҳукумат қарорининг қабул қилиниши архив ишларини янги юқори босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек архив соҳаси бўйича мутаххасис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон миллий университетида, Тошкент маданият институтида олий маълумотли архив мутаххасислари, ўрта махсус маълумотли иш юритувчи, архивчи мутаххасислар тайёрланиб келинмоқда. Албатта архив соҳасига бўлган эътибор, республикамиз ҳукуматининг қабул қилган қонун ва қарорлари, белгиланган тадбирлари, уларнинг амалга оширилиши бу соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан “Ўзархив” агентлиги томонидан архив ишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг комплекс дастурлари, 1996 йилда Ўзбекистонда архив ишини 2000 йилгача ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Бунда ҳужжатларни идоравий сақловини таъминлаш, уларнинг давлат ҳисоби ва илмий маълумот базасини янада такомиллаштириш, архив ҳужжатларидан фойдаланишни жадаллаштириш масалалари киритилган ва амалга оширилган эди.

1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси “Архивлар тўғрисида” қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 30 октябрда “ Архив иши бўйича меёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ўзбекистонда архив ишини янада такомиллаштириш бўйича “Миллий архив фонди тўғрисида” Низом, Миллий архив фонди ҳужжатларининг давлат рўйхатидан ўтказиш Тартиби”, “ Бош архив бошқармаси (“Ўзбошархив”) тўғрисида Низом, шунингдек Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги идоравий архив тўғрисида “Намунавий низом” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 3 февралдаги қарорига кўра “ Ўзбошархив” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига айлантирилган. Мустақиллик йиллари

давлат архивлари идоравий архивлар ҳужжатлар сақловини таъминлаш, иш юритишни ташкил қилиш борасида самарали амалга оширди.[2]

Марказий давлат архивларининг қуйидаги шоҳобчалари фаолият олиб бормоқда, жумладан марказий давлат архивлари, илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви ва Ўзбекистон Республикаси кино- фото, фоноҳужжатлари марказий давлат архиви. Шунингдек вилоятлар давлат архивлари, уларнинг филиаллари ва Тошкент шаҳар давлат архиви мавжуд бўлиб, республика аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар сақланади. Бу архивларда республиканинг марказий ташкилотлари ҳокимият, бошқарув органлари, вазирликлар, давлат архивлари, уларнинг филиалларида шаҳар, туман, қишлоқ ташкилотлари, корхоналари хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар ҳужжатлари сақланиб келинмоқда.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Марказий архив фондларини ижтимоий, маданий, ўқув педагогик, тарбиявий мақсадларда фаолашганини кўриш мумкин.

Архив манбаларига қуйидагилар киради, жумладан қўлёзма ва тарихий асарлар, расмий ҳужжатлар, хорижий манбалар, Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари, музей фондлари, Россия империяси ва совет даври ҳужжатлари. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жуда кўп бирламчи манбалар нашр этилган ва рақамлаштирилган.

Бугунги кунда республикаимиз, ҳалқимиз ўтмишига, тарихига қизиқиш ортиб бормоқда. Шу муносабат билан давлат архивларининг ҳалқнинг архив ҳужжатларига бўлган талабини қондиришга қаратилган ахборот фаолияти аҳамияти ҳам ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар тарихига оид, айрим тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти, жамият ҳаётида архивларнинг аҳамияти тўғрисида фотоҳужжатлар билан безатилган ва мазмунли мақолалар, ҳужжатлар тўпламлари эълон қилиниб келинмоқда.

Ўзбекистон архив ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан яна бири тарихий ҳужжатларни эълон қилиш ҳисобланади.

Ҳозир республикада қуйидаги марказий давлат архивлари шаҳобчалари мавжуд Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви ва Ўзбекистон Республикаси кино, фото, фоноҳужжатлари марказий давлат архиви.

Мустақил Ўзбекистонда барча архивларни рақамлаштириш, ҳалқаро ҳамкорлик каби фаолият ва жараёнлар бу ишни ривожлантирмоқда.

Албатта тарихни, ўтмишдаги бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни тиклаш бу фақат ўтмишни билиш эмас, балки миллий ўзликни шакллантириш, ватанпарварлик ва жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшиш учун жуда зарур.

Архив манбаларига қуйидагилар киради, жумладан расмий ҳужжатлар, яъни давлат арбобларининг ёрлиқлари, суд, нотариал, вақф ва савдо ҳужжатлари, солиқ рўйхатлари. Шунингдек қўлёзма ва тарихий асарлар. Ҳорижий манбалар. Замонавий архивларни таркиби Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари, музей фондлари (Ўзбекистон халқлари тарихи музейи), Темурийлар тарихи давлат музейи, колониал давр (Россия империяси) ва совет даври ҳужжатлари. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг даврдаги бирламчи манбалар нашр этилган ва рақамлаштирилган.[3]

Энг асосийси бу қимматбаҳо манбалар цивилизациясининг ривожланишини шаҳарсозлик, ирригация, савдо, ҳунармандчилик, давлат бошқаруви) асосли тиклашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда цивилизация тарихини ўрганиш ва тиклаш учун комплекс ёндашиш зарурлигини таъкидлаш лозим. Манбаларни танқидий таҳлил қилиш, археология билан интеграцияси, қиёсий таҳлил, замонавий технологиялар, экспериментал археология ва реконструкция шулар жумласидандир.

Маълумки, тарихни ўрганиш бу доимий жараён. Бу жараёнда ҳар бир янги топилма ёки ҳужжатлар ўтмишнинг янги саҳифасини очиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Архив иши тўғрисида»ги ЎРҚ-252-сон (янги таҳрири). – Тошкент, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5834-сон. – Тошкент, 2019 йил 20 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сон. – Тошкент, 2022 йил
4. Алимов И.А. Архившунослик(ўқув қўлланма). Андижон 2005.
5. Исакова М.С. Архившунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020.
6. Алимов И.А. Ўзбекистонда архив иши тарихи. – Фарғона: «Классик», 2021.